

Икки Ҳасан Бухорий Маккада учрашди



15:19 / 08.11.2021 2700

Юртимиз олимлари ҳамиша илмда пешқадам бўлиб келган ва ҳатто икки Ҳарамда ҳам таълим беришга лаёқат топганлар. Ўтган асрда Ҳарам шарифда бир қатор Бухорийлар (минтақамиздан борган муҳожирлар шундай аталган) дарс берган. Бугун ҳам икки Ҳарам мударрисларидан бири ўзимиздан — Ҳасан Бухорийдир. У Рамазон ойида Ҳарам шарифда таровеҳ намозида имомлик ҳам қилган. Асосан Маккаи Мукаррамада, вақти билан Мадина ҳарамидида дарс беради. Хусусан, усул илмида етук мутахассис. Ҳозирда Масжидул Ҳаромда усул ва сийратдан дарс ўтмоқда. Сийратдан Қози Иёзнинг «Шифо»сидан дарс айтаётган экан. Бу ҳафта иккала дарсида ҳам қатнашдим. Дарс ўтиш услублари ҳам, илмий асосга эга аниқ юқори экан. Дарсдан кейин укалари шайх Ҳусайн имомлик қиладиган масжидда у кишини зиёрат қилдик. Бир шогирди Абу Амр қироатида хатмни якунлаётган экан, ўшанга таклиф қилдилар.

Хатмонадан сўнг анча гаплашдик. Мен эгизим борлиги, у Хусайн деб аталиши ва бизда шундай одат борлигини айтсам, «Бу ердаги Бухорийларда ҳам бу одат бор, менинг ҳам Хусаним бор», деб қолди.

Мен: «Ўхшашмисизлар? » десам, «Йўқ», деб кулди.

Мени энг хурсанд қилган нарса у кишидаги Ватанга нисбатан муҳаббат бўлди. Тўғриси, бу ҳолни ҳамма Ватандошларда ҳам топа олмайсиз. 2018 йил юртимизда ўтказилган Қуръон мусобоқасининг якунига таклиф қилинган эди, бироқ у ердаги ҳужжат ва тартиб узоқ вақт талаб қилгани учун узр айтгандилар. Келаси сафар насиб бўлиб қолади, иншааллоҳ, деб, яхши ниятлар қилдик.

Устоз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳиматуллоҳи алайҳни танир экан, у киши ҳақида суҳбатлашдик. Мен ҳозирда давлатимиз раҳбари тарафидан Ҳазрат номларида масжид очилганини, у ерда ўғиллари Исмоил домла Муҳаммад Содиқ имом-хатиб эканини айтдим. Бизда мусҳаф чоп қилинаётганини эшитган экан, бу ҳам Устознинг саъй-ҳаракатлари натижаси эканини изҳор қилдим. У киши юртдаги ислохотлардан жуда хурсанд бўлишаётганини ва ҳамиша дуода эканини урғулади.

Буни қарангки, Маккада Ҳасан Бухорий «Шифо»дан олдин ҳафтанинг ҳар пайшанбаси кечки пайт Имом Термизийнинг «Шамоиلى Муҳаммадия» китобидан дарс ўтган экан ва ушбу дарс асосида китобга шарҳ ёзибди. Ўша китобдан бир дона совға қилиб, дастхат ёзиб бердилар. Мен у кишига: «Биз ҳам масжидда «Шамоилю» китобини олти ойда ўқиб тугатдик ва китоб қиладиган бўлсак, шарҳингиздан фойдаланимиз, иншооллоҳ», дедим. (Буни қарангки, биз ҳам дарсни пайшанба ва душанба кунлари ўтгандик.)

Хуллас, у киши жуда хурсанд бўлдилар ва дуолар қилиб қолдилар.

Кейин ўғлига табассум қилганча мени «Бу киши Ҳасан Бухорий бўлади», деб таништирди. Шундай қилиб, Икки Ҳасан Бухорий Маккада учрашди

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид